XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 28 - dekabr VI-61-164-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари” жамғармаларига маблағ ўтказиш тўғрисида

Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан 2023 йилда “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган тушумлар ҳисобидан тасдиқланган қарорларга асосан ажратилган маблағларнинг ишлатилмаган қисмини мақбуллаштириш ҳамда мавжуд қолдиқ маблағларни туман маҳаллий бюджетининг бошқа зарур тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларга йўналтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 - моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан 2023 йилда “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган тушумлар ҳисобидан тасдиқланган 2023 йил 24 майдаги VI-53-57-3-45-K/23-сонли қарорга асосан 6 520.0 минг сўм, 2023 йил 11 августдаги VI-56-99-3-45-K/23-сонли қарорга асосан 15 400.0 минг сўм ҳамда 2023 йил 11 августдаги VI-56-101-3-45-K/23-сонли қарорга асосан 8 624.0 минг сўм, жами 30 544.0 минг сўм, маблағ мақбуллаштирилиб, туман маҳаллий бюджетига қайтарилиши маълумот ва ижро учун кабул килинсин.

2. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га туман маҳаллий бюджетининг 2023 йилда “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган тушумлар ҳисобидан мақбуллаштирилган 30 544,0 (ўттиз миллион беш юз қирқ тўрт) минг сўм ҳамда мавжуд 57 790,0 (эллик етти миллион етти юз тўқсон) минг сўм, жами 88 334,0 (саксон саккиз миллион уч юз ўттиз тўрт) минг сўм маблағнинг 60 000,0 (олтмиш миллион) минг сўм маблағни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5020-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда 28 334,0 (йигирма саккиз миллион уч юз ўттиз тўрт) минг сўм маблағни “Темир дафтари”га киритилган эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида туман ҳокимлигига маблағ ажратиш ва бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ҳокимлиги (Х.Жўраев)га туман маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағни “Аёллар дафтари”га киритилган аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда “Темир дафтари”га киритилган эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш жамғармаларининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказиб бериш вазифаси топширилсин.

4. Туман ғазначилик хизмати бўлинмаси (Б.Саттаров)га маҳаллий бюджетдан ажратиладиган

маблағларни тегишли ҳисоб рақамга ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**